ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

АКАДЕМИК
**НАИМ ФОТИҲОВИЧ КАРИМОВНИНГ**
90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

# ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент
2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

АКАДЕМИК
**НАИМ ФОТИҲОВИЧ КАРИМОВНИНГ**
90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

# ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент
"FIRDAVS-SHOH"
2022

УЎК 821.512.133.08-05
КБК 84 (5У)

"Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. [Матн]. – Тошкент: "Firdavs-shoh" нашриёти, 2022 й., – 568 б.

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Наим Фотихович Каримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳамкорликда ўтказаётган "ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

Тўплам икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан Наим Каримов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган мақолалар ўрин олган. Иккинчи бўлимга эса адабиётшунослигимиздаги турли мавзулар тадқиқига бағишланган мақолалар киритилган.

Масъул муҳаррирлар
**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**Жаббор ЭШОНҚУЛОВ**

Таҳрир ҳайъати
**Улуғбек ҲАМДАМОВ,**
**Сувон МЕЛИЕВ,**
**Мақсуд АСАДОВ,**
**Раҳматулла БАРАКАЕВ,**
**Санобар ТЎЛАГАНОВА,**
**Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,**
**Манзура ОТАЖОНОВА,**
**Шаҳноза НАЗАРОВА**

Тўплаб нашрга тайёрловчи
**Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ**

Тақризчилар
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**
*Филология фанлари доктори, профессор;*
**Баҳодир КАРИМОВ,**
*Филология фанлари доктори, профессор.*

ISBN 978 9943 8752-6-5

© Ж.А. Бахадиров, 2022
© "Firdavs-shoh" нашриёти, 2022

# МУНДАРИЖА

1. **Иброхим Ғафуров**. Ҳар қанча фахрлансам, арзийди ........ 8
2. **Хуршид Дўстмуҳаммад**. Адабиётимизнинг "Олтин даври": тадқиқот давом этади ........ 10
3. **Шуҳрат Ризаев**. Адабиётшунослигимиз дарғаси ........ 17
4. **Йўлдош Солижонов**. Кенг қамровли олим ........ 19
5. **Almaz Ulvi Binnatova**. Naim Kərimov ömründə kamilliyə gedən yolun naxişlari ........ 22
6. **Ҳамидулла Болтабоев**. Олимлик қисмати ........ 25
7. **Жаббор Эшонқулов**. Бир асрлик бадиий тафаккур комуси ........ 29
8. **Эркин Аъзам**. Келажак одами ........ 34
9. **Улуғбек Ҳамдам**. Адабиётни қисмат билган олим ........ 35
10. **Акбар Сабиржонов**. Юртнинг ардоқли олими ........ 41
11. **Сувон Мели**. Патриарх ........ 47
12. **Баходир Каримов**. Шахсиятлар сабоғи ........ 56
13. **Нурбой Жабборов**. Илм заҳматидан топилган шараф ........ 61
14. **Қурдош Қаҳрамонов**. Ўтиш даври жараёни ва муқаққид ёндашуви ........ 64
15. **Шомирза Турдимов**. Наим Каримов – ҳайрат фарзанди ........ 68
16. **Исломжон Ёқубов**. Ёндашувлар синтези ва поэтик ифода ракурслари ........ 70
17. **Шоира Ахмедова**. Наим Каримов Ойбек ижодининг тарғиботчиси сифатида ........ 82
18. **Абдухамид Холмуродов**. Нуктадон танқидчи, заҳматкаш олим ........ 89
19. **Санобар Тўлаганова**. "Камол"ни касб этган олим ........ 94
20. **Марҳабо Қўчқорова**. Титан олим ........ 97
21. **Поошшахон Кенжаева**. Ўзбек адабиётига бахшида умр ........ 102
22. **Лайло Шарипова**. Олимларнинг устози ........ 104
23. **Мақсуд Асадов**. Ҳаёт ва ижод йўли ........ 106
24. **Абдулла Улуғов**. Замонлар саҳнини ёритган нур ........ 109
25. **Обиджон Каримов**. Адабиётшунослик илмининг забардаст олими ........ 116
26. **Шаҳло Ҳожиева**. Наим Каримов – Чўлпоншунос ........ 119
27. **Меҳрибон Ёлғорова**. "Усмон Носир" маърифий-биографик романи тўғрисида ........ 124
28. **Гулбаҳор Бекташева**. Жадид адабиётшунослиги тараққиётида Наим Каримовнинг ўрни ........ 126
29. **Зулхумор Мухторжонова**. Ойбекшунос олим фаолиятига бир назар ........ 129
30. **Nigora Uralova**. Qutlug' yosh ostonasida (Akademik Naim Karimov bilan suhbat) ........ 132
31. **Турсун Али**. Устоз ........ 143

## ОЛИМЛАРНИНГ УСТОЗИ

**Лайло ШАРИПОВА,**
*филология фанлари доктори*

Илми билан амали бир бўлган олимлар Аллоҳга суюмли бўладилар. Шундай олимларнинг устози-чи? Савоби кўп бўлса керак, Аллоҳ даргоҳида азиздир деб ўйлайман. Илоҳо, шундай бўлсин, ахир халқимиз "Илм билан шуғулланиш игна билан қудуқ қазимоқ" эканини ўз мақолида алоҳида таъкидлаган-ку! Умрини филология илмига бағишлаган, юзлаб олимларга устоз саналган олимлар номини тилга олсак, ўзбек фольклори, ўзбек адабиётшунослиги, ўзбек тилшунослиги дарғалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Улар шўро даври оғирчиликларини енгиб, филология илмини, бу илмнинг шонини асрдан асрга олиб ўтдилар, миллат адабиёти равнақи йўлида беминнат хизмат қилдилар. Бу йўлда борларини сарфладилар. Шундай устозлардан бири, юзлаб олимларнинг устози Наим Каримов илмдан ўзга улуғлик йўқлигини англаган ва шогирдларига шу ҳикматни англатган улуғ устоз! Гоҳо "улуғ" сўзини қўллашда торлик қиламиз, гоҳо кераксиз ўринларда шу сўзни қадрсиз айлаймиз. Аммо академик Наим Каримов мутафаккир олим, улуғ устоз дейишимизга муносибдирлар. Бунга устоз яратган юзлаб илмий асарлар ва у киши бевосита ҳамда бавосита тарбият этган шогирдлар борлиги далилдир.

Устозни таниганимдан буён бавосита сабоқ олган шогирд сифатида феъл-атворларига ҳавасланганман. Таъби нозик, вазмин, ютуқлар олдида ҳам, қийинчиликлар палласида ҳам феъли ўзгариш топмаган, овози баландламаган, муомала-муносабат маданиятига кўра аслзодаларга хослик касб этган устознинг табиатлари бекиёс, ҳавасга муносиб. Одатда, донишманд устозлар жуда камтар, аммо ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадрини билгувчи, ҳаётларининг ҳар бир дақиқасини эл манфаати, Ватан равнақи учун сарфлайдиган, умр сарҳисобида изи чаманзор зотлардир. Устоз шундай зотлардан. Ахир Наим Каримовга ҳамкор, ҳамқадам бўлган академик Тўра Мирзаевни ич-ичимдан шундай таърифлар эдим, аммо ўзларига айтолмадим-ку! Бугун Наим Каримов ҳақларида ўйлаганларимни ёзиш имкони туғилганига шукр! Зотан, жадидлар ҳаётига оид манбаларни назардан ўтказиш учун ҳашамдан воз кечгани, умри қаламга эш, қоғозлар ичида ўтгани ҳаммамизга, айниқса, бугунги ёшларга ибрат мактабидир.

Устознинг биргина китоблари ҳақида ёзиш ҳам масъулият талаб қилади. Чунки Наим Каримов яратган илмий асарлар чуқур изланишлар, заҳматли меҳнатлар самараси ўлароқ бунёд бўлган. "XX аср адабиёти манзаралари" китоби олимнинг устозга айланган йиллари маҳсулидир. Бу китобга устоз адабиётшунос олим Ш.Ризаев мухтасар, айни дамда, муносиб тарзда баҳо берган: "Мазкур китобда аср адабий жараёнлари ва ходисалари моҳиятидан келиб чиқиб, муаллиф ўз даврлаштириш концепциясини таклиф этган ва шунга кўра, қарашларини янги-янги топилмалар билан далиллашга, асослашга муваффақ бўлган. Таъбир жоиз бўлса, мен бу китобни эскига

янгитдан янгича қараш, мавжуд ҳақиқатларни бор тафсилоти билан тўлиқ билган, англаган ва идрок этган ҳолда бугунги холис тушунча ва тасаввурлар билан, яна янги топилган далиллар билан қайта ёндашиш ҳамда баҳолаш эҳтиёжининг маҳсули, деб таърифлаган бўлардим"[14]. Бу фикр жуда ўринли. Чунки XX асрнинг зиддиятли даври ҳақида мустабидлик ва истиқлол даври ижтимоий-сиёсий ҳаётини атрофлича билган, XX аср адабиётини доимий тадқиқ қилган устоз олим ёзган китоб кейинги давр адабиётшунослиги учун зарур манбалардан бири бўла олади. Бу китобнинг аҳамиятини қуйидагиларда кўрдик:

1.Китобда жадидчилик даври, унинг намоёндалари ҳақида архивдаги маълумотларга, қатор тадқиқотчилар назаридан тушиб қолган турли манбаларга таяниб янги маълумотлар берилган. Бундай маълумотларнинг кўплиги китобнинг қадрини яна бир карра оттиради. Масалан, китобнинг 11-бетида келтирилган маълумотга кўра XX аср бошида зиёлиларимиз Ҳиндистонда форс тилида чоп бўлган "Ҳабл ул-матн", Мисрда форс тилида босилган "Чеҳранамо" газеталарини ҳам топиб ўқиганлар. Устоз бу маълумотни етук ёзувчимиз Садриддин Айний қаламига мансуб "Қисқача таржимаи ҳолим"дан олганларини таъкидлаб ўтадилар.

2. Мустабид тузумнинг халқимизга, Ватанимизга муносабати билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Масалан, китобнинг 13-бетида "Новое время" журналининг 1908 йилги сонларидан бирида "Туркистонни "рус тожининг қимматбаҳо дурдоналаридан биридир"деб айтилганини келтирар эканлар, устоз у қимсалар учун фақат олтин муҳим бўлганини таъкидлайдилар. Бундай таҳлиллар ёшларга мустақиллик қадрини чуқурроқ англашига ёрдам беради.

3. XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган, фаолияти, асарлари кам ўрганилган ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ёритиб берилган. Мисол қилиб Хислат, Мискин, Тавалло, Ҳожи Муинлар, Абдулла Алавий номларини келтириш мумкин.

4. Жадидчилик даври адабиётидан кейинги адабиёт вакиллари ҳаётига оид қизиқарли тадқиқ ва талқинлар мавжудлиги эътирофлидир. Бунинг учун Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти ҳамда ижоди ёритилган саҳифаларни ўқиб чиқиш лозим. Умуман олганда, китобнинг фазилатларини ҳали узоқ санаш мумкин. Муҳими, китоб талабаларга, магистрларга, мактаб ўқитувчиларига, олимларга, қуйинги, XX аср ўзбек адабиётининг А.Ориповларгача бўлган даврини ўқиб-ўрганиш учун барчага зарур қимматли манбадир. Биринчи китоб дейилганига кўра устоз иккинчи китобни яратиб, XX аср ўзбек адабиёти манзараларининг қолган қисмини кўз олдимизда яна бир бор тўлиқ намоён қиладилар деб умидвор бўлиб қоламиз. Аллоҳ олимларнинг устози, бизнинг ҳам устозимиз Наим Каримовга соғлик-саломатлик, узоқ умр берсин, илоҳо!

[14] Ризаев Ш. Китоб ва унинг муаллифи ҳақида бир-икки сўз // Китобда: XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2008. – Б.5.